



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 6 август, № 150 (6080)

Чоршанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Президентимизнинг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, иқтисодиётнинг аграр секторида фаолият кўрсатаётган компаниялар, банклар ва бошқа молия институтлари раҳбарлари Ўзбекистон нафақат озиқ-овқат саноати, балки барча соҳаларда тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан одимлаётганига ишонч ҳосил қилиб, "Ўзбек модели"нинг амалдаги самарасини алоҳида эътироф этишди. Айни пайтда тадбирдан олинган таассуротлар, фикр-мулоҳазалар жаҳоннинг етакчи наشرларида ҳам эълон қилиб борилапти.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Бу ютуқлар осмондан тушган эмас

Конференцияда давлатимиз раҳбари барчанинг диққатини БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қаратди. Қайд этилганидек, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоиздан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола буйининг

ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекаяпти.

Ер юзи аҳолисининг тез ўсиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Аммо ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари чеклангани боис мавжуд эҳтиёжни ҳал этиш масаласи долзарб муаммага айланиб, йилдан-йилга кескинлашаётир.

Мана шундай мураккаб бир даврда мамлакатимизда саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалаётгани, албатта, фахрланнишга арзийдиган ютуқдир. Эътибор беринг: сўнгги 10 йилда вазни тибиётда кўзда тутилган мейёрдан кам бўлган болалар сони

икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга) узайди, хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди. Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришган.

Албатта, ҳеч бир муваффақият осонлик билан қўлга киритилмайди. Ёки шунчаки орзу-хавас билан мақсадга эришиб бўлмайди. Хар қандай шароитда ҳам сиёсатнинг тўғрилиги, йўналтирилаётган куч ва маблағ ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, юртимизда ҳар йили давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи

ижтимоий соҳа ривожига сарфланади. Шунинг ўзиёқ бизда ушбу масалага қанчалар эътибор берилмаётганини яққол тасдиқлайди. Ваҳолонки, мустабид тузум даврида аҳоли саломатлиги, соғлом фарзанд, деган тушунчалар ҳеч қимни қизиқтирмаган. Саноклигина бўлган тибиёт муассасалари имкониятлари замон талабига умуман жавоб бермагани айни ҳақиқат. Боз устига, пахта яккахоқимлиги боис юртимизда экологик вазият кескин оғирлашиб, болалар саломатлиги, халқимиз келажагига катта зарар etkazилганини кўпчилик яхши билади.

Қишлоқ хўжалигини бир ёқлама ривожлантириш натижасида унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга

бўлган Ўзбекистонимизда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, галла ва ҳатто, мевасабзавоти картошка истеъмол қилиш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда икки баробар камайиб кетган эди.

Истиқлолга эришганимизнинг илк кунлариданоқ Президентимиз инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканлигини таъкидлаб, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола саломатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Мустақил юртимизнинг биринчи ордени "Соғлом авлод учун" деб аталганининг ўзиёқ шу улуг мақсадга ишора эди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдидан



Тижорат сирининг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилади

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлис кун тартибига юртимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган қатор қонунлар киритилган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Тижорат сирининг тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ана шулар жумласидандир.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Хамротош Шодиева мухбиримизга тижорат сирининг тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди.

— Бугун мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда ички бозорда янги брендларнинг пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган, — деди сенатор. — Бу эса, аввало, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришга янгиликларни жадал татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Шақшубҳасиз, ҳар бир ком-

пания ўз ишбилармонлик таърибасига, ноёб ишланмалари ва воситалари жамламасига эга. Бундай ишланмалар, воситалар ҳақидаги маълумотлар ўз-ўзидан рақобатчиларнинг диққатини жалб қилади, табиийки, ўз манфаати йўлида бундай ахборотдан фойдаланишни ис-таганлар ҳам йўқ эмас.

Албатта, бундай ахборот эгалари мазкур маълумотларнинг ошкор қилинмаслигига, беғоналарнинг улардан фойдаланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади, ахборотни ҳимоя қилиш бўйича барча қонуний чораларни кўради.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, бугун мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа

сатрларда

• Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида "Эзгулик элчиларига эҳтиром" мавзусида маърифий тадбир ташкил этилди. Унда қўмита фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган теле ва радиодастурлар, ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифалар вакиллари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг махсус ташаккурномалари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

• Темурийлар тарихи давлат музейида "Ягонасан, муқаддас Ватан: Ўзбекистон кеча ва бугун" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Анжуман иштирокчилари

мустақиллигининг ўтган 23 йили халқимиз танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ҳаётини намойиш этаётганини алоҳида таъкидлашди.

• Андижонда "Ишбилармон талаба — 2014" кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда 48 нафар талаба-ёшлар ўзларининг хунармандчилиги, амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги кўргазмалари, инновацион лойиҳаларини намойиш этди. Танловда "Энг яхши тадбиркор талаба", "Ишбилармон талаба", "Ташаббускор талаба", "Энг ижодкор талаба", "Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи" сингари номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

• Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги олдидан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбеки-

тоним!" шиори остида пойтахтдан келган шoir ва ёзувчилар, олимлар, журналистлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида учрашувлар уюштирилди.

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон европалик сайёҳлар учун истиқболли йўналиш ҳисобланади»

Яқинда Амстердамдаги "Geelvinck — Hinlopen Huis" уй-музейида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия ваколатхонаси ҳамда Амстердамнинг "De Industriele Groote Club" саноат клуби билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

ЭЪТИРОФ

Нидерландиянинг мазкур клуб аъзолари ҳисобланадиган қатор компаниялари вакиллари Ўзбекистонда сайёҳлик тараққиётининг асосий йўналишлари, ўзбек халқининг бой маданий-тарихий ва илмий мероси билан танишиш мақсадида муҳташам уй-музейда ҳозир бўлдилар.

Тадбирда Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент ва бошқа кўхна шаҳарларимизнинг тарихий-мезморий ёдгорликлари, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари дунё цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар мероси йилдан-йилга бутун дунёдан, шу

жумладан, Нидерландиядан ҳам қўллаб сайёҳларни ўзига жалб қилаётгани қайд этилди.

Маросим чоғида тарихий шаҳарларимиз бўйлаб анъанавий саёҳатлар билан биргаликда, сайёҳликнинг экологик, тиббий саёҳат, альпинизм ва агротуризм каби янги йўналишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам маросим қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Нидерландия компанияларининг вакиллари Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг ҳақли равишда маркази эканлигини, шунингдек, мана шундай жиҳатлари билан мамлакатимиз борган сари нидерландияликларда

катта қизиқиш уйғотаётганлигини билдиришди.

Республиканинг халқаро сайёҳлик майдонидаги обрў-эътибори ҳақида тўхталар экан, нидерландиялик мутахассислар эришилган ютуқларни намойиш этиш ва янги сайёҳлик йўналишларини йўлга қўйиш, шунингдек, мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш ҳамда ўзаро алоқаларни бундан-да такомиллаштиришга хизмат қилаётган анъанавий "Ипак йўли бўйлаб саёҳат" Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмасининг аҳамиятига юқори баҳо бердилар. Улар бўлиб ўтган тақдирот ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва анъаналари, унинг ноёб мезморий ёдгорликлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларда эришган ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини берганини алоҳида таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси «Earth Times» нигоҳида

Яқинда Буюк Британиянинг "Earth Times" он-лайн нашрида "Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси 20 йилдан сўнг реалликка айланди" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан мазкур ташаббуснинг аҳамияти атрофлича таҳлил этилган.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг январь — июнь ойлари давомида мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми

10,8
фоиз ошди.

Юқори технологияли ва замонавий объектлар ҳамда қувватлари ишга туширишни жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

Тижорат сирининг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу хавфсизлик ҳужжатини юритувчи субъектларнинг ўз мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатлари тижорат сирини ёки ўзгача сир бўлган ахборотдан қонунга хилоф равишда фойдаланишининг олдини олиш йўли билан тегишли равишда муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат. Бундай ахборот эгалари ўз ваколатлари доирасида ахборотни қайта ишлаш, муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш режимини ва қоидаларини мустақил ўрнатишга ҳақлидир. Табиийки, бу қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда амалга оширилиши керак.

Шу пайтга қадар бу Конституциямиз, тегишли қонунлар ва қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ тартибга солиб келинар эди. Уларда махфий ахборот, тижорат сирини ва бирор бир сирнинг тури тўғрисида қоидалар акс этган. Аммо ушбу масалада ҳуқуқий ёндашувларнинг турли-туманлиги ва тижорат сирини ҳимоя қилиш институтининг мазмуни қонун ҳужжатларида бир хил маънода акс этмаган.

Энг аввало, бозор рақобати ша-

роитида ҳужжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш зарурлиги билан белгиланган ахборотни тижорат сирини тоифасига қилиш, уни тизимга солиш ва тақдим этиш масалалари қонун йўли билан тартибга солинишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги "Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Тижорат сирини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бошқа қонунлари қоидаларига асосланиб ва тижорат сирининг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Янги ҳужжат тижорат сирини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадини кўзлайди. Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида халқаро тажриба ўрганилиб, хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилиги таҳлил қилиб чиқилди. Қонун билан танишиш жараёнида шу нарса кўзга яққол ташланадигани, мазкур ҳужжатнинг

муфассал мазмуни ундан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ҳамда ҳужжалик юритувчи субъектлар учун бир хил маънода тушуналишига ёрдам беради.

Ушбу Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун кўмита томонида ишчи гуруҳ тузилиб, унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Олий ҳужжалик суди, Бош прокуратура, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат рақобат кўмитаси, шунингдек, илмий доиралар вакиллари киритилди.

Шуни қайд этиш керакки, тижорат фаолияти билан шуғулланган ҳар қандай корхона турли илмий-техникавий, технология, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, ўзининг тегишли ҳужжатлари ва ахборотини сир сақлаш ҳуқуқига эгадир. Зотан, ҳужжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятида тижорат сирини бўлган ахборот ресурслари бошқа моддий ва номоддий активлар сингари салмоқли ўрин эгаллайди.

Қонун нормалари билан тижорат сирини қўйиладиган талаблар,

тижорат сирини мулкдорининг ҳуқуқлари, тижорат сирини муҳофаза қилиш муддати, тижорат сирини ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотлар рўйхати белгилаб қўйилган. Тижорат сирини режимини ўрнатиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тартибга солинган, бундай сирини муҳофаза қилиш, шу жумладан, меҳнат муносабатлари жараёнида, ҳужжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларида, тижорат сирининг мулкдори уни конфидентга бериши вақтида муҳофаза қилиш чоралари тавсифланган. Шу билан бирга, тижорат сирини тақдим этиш ҳамда бу жараёнда унинг махфийлигини таъминлаш тартиби, тижорат сирини билан судда танишиш ва тижорат сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чегаралари белгиланган.

Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий манфаатлар соҳасидаги тижорат режимини ўрнатиш жараёни ҳуқуқий тартибга солишни яхшилайдди.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжат нормаларининг рўёбга чиқарилиши ҳужжалик юритувчи субъектлар самарали иш олиб бориши учун қўлай шароит яратади, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш янгилари, ноу-хау ва инновациялар янада ривожланишини рағбатлантиради, пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига ва юртимизнинг раванқ топишига хизмат қилади.

Қ. ХИДИРОВ ёзиб олди.

«Ўзбекистон европалик сайёҳлар учун истиқболли йўналиш ҳисобланади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Жаҳон" ахборот агентлигининг муҳбири тадбирнинг айрим қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.

Иоан БАЙСМЕН, "Geelvinck-Hinlopen Huis" музейининг директори: — Аъло даражада ташкил этилган тақдимот чоғида мамлакатингизнинг нафақат сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти, балки унинг замонавий тараққиёти, мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақидаги зарур маълумотлар билан ҳам танишиш имконига эга бўлди.

Ўзбек замини асрлар давомида ўзига хос маданият ўчоғи, дунё илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб Шарқ мутафаккирларининг ватани ҳисобланади. Уйлайманки, бугунгидек мазмундор тадбирлар Ўзбекистонга борадиган нидерландиялик сайёҳлар сонининг ошишига хизмат қилади.

Бен ХУС, "Sertall B.V." компаниясининг бошқарувчи директори:

— Мамлакатингиз ўзининг бетакрор мейморий обидалари, бой маданияти ва тарихи билан европалик сайёҳлар учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Биз Нидерландия жамоатчилигида мамлакатингизга бўлган самимий қизиқишнинг тобора ортиб бораётганини кузатмоқдамиз.

Шуниси ҳам қувонарлики, республика ҳукумати сайёҳлик соҳасининг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида шинам меҳмонхоналар барпо қилинди, кўплаб маданий-тарихий обидалар қайта тикланди, сайёҳларга хизмат кўрсатиш юқори даражани касб этди, меҳмонхона ва транспорт инфратузилмаси борган сари ривож топмоқда.

Компаниямиз автобус ва бошқа автотранспорт воситала-

рини совитиш ускуналари билан жиҳозлашга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда етакчи сайёҳлик компаниялари саёҳатчиларга хизмат кўрсатишда баҳор-ёз мавсумига мос кондиционерлар билан жиҳозланган автобус ҳамда микроавтобусларни жалб қилишгаётгани барчага маълум. Мамлакатингизда автомобиль саноати изчил ривожланиб бораётганини инобатга олган ҳолда, компаниямиз ўзбек шериклар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Одри ХАНОН, Нидерландиядаги "Tour of Holland" сайёҳлик компанияси менежери:

— Ўзбекистон нафақат бой тарихий мерос юрти, балки Марказий Осиёдаги энг барқарор ва гуллаб-яшнаётган мамлакатдир. Жорий йилда сайёҳлик компаниямиз Нидерландия вакиллари учун тўртта йирик саёҳатни уюштирди. Сайёҳларимиз ноёб тарихий-мейморий ёдгорликлар билан танишганлари баробарида Ўзбекистондаги юқори даражадаги хизмат кўрсатишдан, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимиятидан баҳраманд бўлиб, жуда катта таассуротлар орттириб қайтишди. Бой миллий мерос мамлакатингиз ҳукумати томонидан авайлаб-асраляётгани, шубҳасиз, катта эътиборга моликдир.

Ишончим комилки, Европа мамлакатларидан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими бундан кейин ҳам ошиб бораверади.

«Жаҳон» АА. Амстердам

ФАХР

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан 110 нафар ўғил-қиз республикамиз пойтахтига саёҳат қилишди.

Таассуротлар бир олам

Ушбу сафар мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги байрамига ўтказиш ва унга тайёргарлик қилиш дастури доирасида уюштирилди. Саёҳатда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан мактаб ўқувчилари қатнашди.

Сирдарёлик ёшлар пойтахт томошасини "Мустақиллик майдони"дан бошлашди. Шунинг-

дек, улар Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хазрати Имом мажмуаси каби шаҳарнинг диққатга сазовор масканларида бўлиб, кўркам хиёбонлар ва боғларини даёр қилишди.

— Тошкентга илк бор келишим, — дейди Ширин шахридаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хурсаной Жабборовна. — Таассуротларим

бир олам. Энг муҳими, жуда улғувор ва обод пойтахтимиз борлигидан қалбим фахр-ифтихорга тўлди.

Айтиш лозимки, ташкилотчилар ушбу саёҳат гуруҳини, асосан, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ҳали республикамиз пойтахтида бўлмаган ўқувчилардан тузишга алоҳида эътибор қаратишди. Қувонарлиси, Мустақиллик байрамига ча ўқувчилар учун яна бир неча бор ана шундай сафарлар ташкил этилиши кутилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ёшлар фестивали

Жиззах вилоятида "Жиззах юлдузлари" деб номланган иқтидорли ёшлар фестивали ўтказилди. Мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ҳамда турли жабҳаларда фаолият юритаётган ёшларни қамраб олган мазкур акцияда 10 мингга яқин навқирон авлод вакиллари иштирок этди.

ТАДБИР

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида бўлиб ўтган ва мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад, ёшларда Ватанга муҳаббат, садоқат,

мустақиллигимизга ҳурмат, ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, уларни кенг омамага таништириш, ўғил-қизларни айнан ушбу ёшлардан ўрнак олишга чақиритишдан иборат бўлди.

Илк маротаба ташкил этилган фестивал

вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари, "Қамолот" ЁИХ, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Жиззах давлат педагогика ҳамда Жиззах политехника институтлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби қатор ҳамкорлар иштирокида ўтказилди.

Тадбир доирасида намоийш этилган бадий ва маданий дастур йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган давр мобайнида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани боис аҳоли, авваламбор, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Бундай комплекс чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамжўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан қолди. Бундан фахрланмай бўладими?!

Келажакка бўлган мустаҳкам ишонч

Юртимизда ҳар томонлама соғлом авлоднинг вояга етказишда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилапти. Ушбу сиёсатнинг ахамиятини давлатимиз раҳбари бир неча бор ҳаётини мисоллар орқали тушунтириб берганлар. Хусусан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига бағишлаб, 2002 йилда ўтказилган мажлисда Президентимиз шундай деган эдилар: "...болаларимизни спорт орқали соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш — бу келажакка бўлган мустаҳкам ишонч ифодасидир. Чунки биз ҳаммамиз болаларимизнинг бахтли келажини ўйлаб яшаймиз. Алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, фақат ўзимизнинг шахсий, хусусий, оилавий манфаатларимиз учун эмас, юртимиз болаларининг келажини ўйлаб яшаймиз.

Бу ҳаёт гўёки оқар бир дарё, кўз очиб-юмгунча ўтади-кетеди. Лекин бизнинг ортимизда соғлом ва баркамол фарзандларимиз қолиши ва бошлаган ишларимизни давом эттириши лозим".

Мана шундай ёндашув натижасида спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Уни болалар

ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003 — 2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилгани бунга яққол тасдиқлайди. 2014 йилнинг ўзида эса 110 болалар спорт объектини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган. Демак, бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ноёб тизим самаралари

Дунёда ёшлар ўртасида ўтказилган турли спорт мусобақалари кўп. Аммо улар орасида биздаги уч босқичли — "Умид нихоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари каби пишиқ-пукта ишлаб чиқилган ноёб тизим учрамайди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган бундай шижоат ва нафосат байрамлари бугунги кунда Ўзбекистон таърибаси сифатида хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилапти. Бу тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ўғил-қизларнинг истеъод ва маҳорати босқичма-босқич шакллантириб борилади. Дастлабки босқичидаёқ минг-миנגлаб ёшлар спорт борасида ўз имкониятларини сынаб кўрадилар. Аввало, шу орқали улар ўртасида спортнинг оммавийлиги ошади. Рақиб ўзидан кучлироқ эканини сезган ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланишга эҳтиёжи борлигини аналлади ва бунга астойдил киришади. Қолаверса, бундай баҳслар эртамиз эгалари орасида соғлом рақобатни ҳам юзага келтиради. Яъни навбатдаги босқичларга ўтгани сайин кучли ра-

қибларга дуч келиши уларни янада жиддийроқ машғулотлар олиб боришга ундайди.

Уч босқичли спорт ўйинларида мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари талабаларигача — ёш авлоднинг барча вакиллари иштирок этади. Йилдан-йилга уларнинг қамрови кенгайиб борапти. "Баркамол авлод" мусобақалари мисолида айтадиган бўлсак, 2011 йилда унинг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи қатнашган эди. 2014 йилда мазкур рақам 810 минг нафарни ташкил қилгани фикримиз тасдиғидир. Бу кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизгин ва муросасиз кечганидан далолат беради.

Бундай ўйинларнинг яна бир муҳим жиҳати, баҳсларга тайёргарлик жараёнида худудлар инфратузилмасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, кўплаб спорт иншоотлари қад ростлаяпти. Ҳозиргача ана шундай мусобақалар ўтказилган жойларда ҳақиқий "Олимпия шаҳарчалари" пайдо бўлдики, уларнинг барчаси худудлар кўрकिга кўрк қўшибгина қолмасдан, балки яна минглаб ёшлар қалбида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Масалан, "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинлари муносабати билан Наманган шаҳрида рўёбга чиқарилган бунёдкорлик ишлари бу навқирон кентни обод ва кўркам гўшага айлантирди. Хусусан, бу ерда қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари учун 62,7 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Биргина "Навбахор" марказий стадионда 36,9 миллиард сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. 22 мингга яқин томошабинни бағрига сиғдира оладиган ушбу стадионда ўтказилган очилиш ва ёпилиш маросимла-

ри юртимиз ёшлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз. Бундан ташқари, "Баркамол авлод" спорт мажмуаси, "Дўстлик" теннис корти, Наманган олимпия заҳиралари коллежи, Олий спорт маҳорати мактаби, Наманган муҳандислик-педагогика институтининг стадион ва спорт заллари ҳам таъмирдан чиқарилиб, бугунги кун талаблари даражасига келтирилди. Бундай кўркам ва замонавий иншоотлар юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом авлод камолоти йўлида давлатимиз раҳбарининг бекиёс гамжўрлиги намунаси бўлиб, узоқ вақт халқимизга хизмат қилади.

— Ёшларга оталарча гамжўрлик кўрсатаётган, уларнинг юриш-туриши, қизиқиши, саломатлигидан доимо хабардор бўлиб турган Президентимизга минг раҳмат, — дейди тўрақўрғонлик Абдумутал ота Раҳимов. — Мен мусобақа арасида қизиқиб, тез-тез Наманган шаҳрига бордим. Виллоятимиз марказида шундай бекиёс ўзгаришлар бўлдики, асти қўяверасиз. Йўларнинг раванглиги, гиламдек ёйилган анвойи гуллар, биноларнинг янада кўркамлашганидан диллимиз қувонди. Ҳаммаси мустақиллик шарофати, тинчлик ва



Суратлар «Халқ сўзи» фотоаппаратидан олинди.

Лекин соғлом, иродали, мард ва қатъиятли бўлиб вояга етади. Доммо эзгулик ҳақида ўйлайди. Шунинг ўзи катта бир ютук.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Шавкат ОРТҚНОВ, Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари.



ИНТИЛИШ

Бойсун туманидаги "Мўмин" хусусий корхонаси жамоаси уй-жой қурилиши билан шуғулланади.

Тежамкор технология имкониятни кенгайтирди

Яқинда ушбу корхона қосида қўшимча тармок ҳам ишга туширилди. Банк томонидан ажратилган 1 миллиард 650 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан шағал ва шлакоблоklar ишлаб чиқариш технологияси келтирилди.

— Қисқа фурсатда қурилиш ташкилотларидан кўплаб буюртмалар олдик, — дейди тадбиркор Бехзод Қодиров. — Шағалнинг бевосита қорихаси билан бириктувчанлигини оширадиган ушбу замонавий ускунанинг яна бир афзаллиги, у электр энергиясини кам сарфлайди. Бу эса маҳсулот таннархини камайтиришда кўл келаяпти. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида қурилиш материалларини буюртмачилар манзилига ўзимиз етказиб бераёмиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли маҳсулотнинг харидори кўп

Бугун иқтисодийтимиз ривожини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки мамлакатимизда мазкур соҳа истиқболи учун яратиб берилган қулай шарт-шароит тўғрисида улар шаклан кичик бўлса-да, йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошираётир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Айниқса, чет эллик инвесторлар ва ҳамкорлар учун яратиб берилган қулайликлар хориж инвестициясини жалб этиш ҳажмини кўпайтириш, улар иштирокида янги-янги корхоналарни ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Uz-Prista" қўшма корхонаси ҳам юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик ва сармоявий муҳит самарасини тўғрисида асос солинган субъектлардан биридир. Мазкур корхона "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясини тизимдаги "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси ҳамда Болгариянинг "Prista Oil Holding EAD" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. У мамлакатимиздаги кенг турдаги импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар — минерал, синтетик ва ярим синтетик майлаш материаллари

ҳамда совитиш суюқликлари (антифриз) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона корхонадир.

Корхона бош директори Максим Лилловнинг айтишича, айна пайтда бу ерда қарийб 100 номдаги майлаш материаллари ишлаб чиқарилаётган бўлиб, уларга ташқи бозорда ҳам талаб низоҳатда катта. Zero, "Prista" савдо белгиси остидаги маҳсулотлар "Chevrolet", "MAN", "Кейс", "Мерседес-Бенц", "Вольво" ва бошқа русумдаги автомобиллар ҳамда маҳсулот техникалар ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг номдор компаниялари томонидан юқори баҳоланиб, фойдаланиш учун маъқулланган. Бугунги кунда тайёрланаётган маҳсулотлар умумий ҳажмининг ўртача 70 фоизга яқини Болгария, БАА, Венгрия, Вьетнам, Грузия, Македония, Хитой, Хиндистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Болтиқбўйи мамлакатлари ва бошқа

кўплаб давлатларга экспорт қилинаётганининг боиси ҳам шунда.

Корхона жамоаси фақат экспорт буюртмаси билан чекланиб қолаётганини йўқ. Ички бозорга импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар чиқариш суръати ҳам мунтазам равишда оширилмоқда. Масалан, 2012 — 2013 йиллар давомида маҳаллий истеъмолчиларнинг умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларилик юқори сифатли ва мақбул нархдаги майлаш материаллари етказиб берилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда иқтисодийтимизнинг кишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, кон-металлургия, автомобилсозлик ва бошқа тармоқларнинг юқори сифатли майлаш материалларига бўлган талаби асосий қисми "Uz-Prista" корхонаси маҳсулотлари эвазига қондирилимоқда. Бунда қўшма корхона жамоаси ҳамкорлар билан яқин ва мустақам алоқа-

лар ўрнатгани, унинг фаолияти эса "Ўзбекнефтгаз" МХК ва "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан кўплаб-қувватланаётгани кўл келаяпти. Натижада 2012 — 2013 йилларда корхонанинг соф фойдаси 2011 йилдагига нисбатан икки баравар ошди. Шу ўринда айтиш жоизки, янги маркетинг стратегиясини қўллаш, сотувлар тузилишини ўзгартириш ва маҳаллийлаштириш қўламини кенгайтириш тўғрисида иқтисодий кўрсаткичлар тобора яхшиланаяпти.

Қўшма корхонага ташриф буюрган кишининг бу ерда яратилган қулай

шарт-шароитларни кўриб, ҳаваси келиши табиий. Негаки, у энг замонавий ишлаб чиқариш линиялари билан жиҳозланган бўлиб, умумэтироф этилган ноёб технологияга ҳамда аккредитациядан ўтган синов лабораториясига эга. Бу ерда тегишли йўналишдаги касб-хуна колледжлари ва олий таълим муассасаларини тугатган юқори маъража мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхона фаолияти босқичма-босқич кенгайтирилиб, янги турдаги майлаш материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти. Яқинда халқаро талабларга жавоб берувчи антифриз тайёрлаш маҳаллийлаштирилгани, тез орада эса оғир турдаги дивгательларда ишлатиб бўлинган газларни зарарсизлантириш учун экспортбоп суюқлик ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади.

Қисқача айтганда, "Uz-Prista" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни изчил жорий этиш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш орқали истеъмолчиларни сифатли майлаш ва автомобильларга хизмат кўрсатиш материаллари билан таъминлаётган, пировардида иқтисодийтимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган корхоналардан биридир. Жамоа юртимизда яратиб берилган шарт-шароитлардан умумий фойдаланиб, келгусида ҳам ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар турини мутасадди кўпайтириш, юртимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш йўлида гайрат-шижоат билан меҳнат қилаверади.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА
Тинч ва Атлантика океанларида бирданига бешта тўфон пайдо бўлган. Улардан "Халонг" номли довул кучлилиги жиҳатидан охириги, яъни бешинчи даражага чиққан. Тўфон айна пайтда Япония ҳамда Гавай ороллари томон ҳаракатланмоқда.

Кучли тўфон

Япония ва АҚШ синоптикларининг таъкидлашича, ушбу табиий офат жорий йилдаги энг катта талафотларни келтириб чиқариши мумкин. Тўфон 9 августга қадар Япония қирғоқлари ва етиб бориш тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, табиий офат таъсири Жанубий Кореяда ҳам сезилиши айтаилапти.

Шу муносабат билан мазкур мамлакатларда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоратadbirlar қўрилмоқда.

Жисмоний фаоллик Эвазига харид

"Nike" компанияси АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида спорт кийимлари сотадиган қурилма (автомат) ўрнатди.

Этиборли жиҳати, ундан буюмларни пулга эмас, балки жисмоний фаоллик орқали тўпланган балларга харид қилиш мумкин. Бунинг учун сизда смартфон ёки "Nike" биллагузги бўлиши лозим. Смартфон ва биллагузқдаги махсус дастур (уни "Nike" сайтидан текинга юклаб олиш имконияти яратилган) кун давомидаги жисмоний фаоллигини ҳисоблаб, балларга айлантириб боради. Сўнг тўпланган очколарни автомат орқали футболка, пайпоқ, белбоғ ва шунга ўхшаш спорт буюмлардан бирига айирбошлайсиз. Дастур фақат кун давомида йиғилган балларни ҳисобга олади. Яъни балларни бир неча кунга тўлаб дастур (уни "Nike" бунгача буюмларни пулларга харид қилса бўладиган шунга ўхшаш автоматларни Европа ҳамда АҚШнинг бир қатор шаҳарларида ўрнатган эди.

Долзарб мавзуда маъруза

Жорий йилнинг 7 августида АҚШда кибержиноятчиликка қарши курашишда мутахассислар ва хакерларнинг анъанавий халқаро анжумани бўлиб ўтади.

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, бу гаги тадбирда "IOActive" компаниясининг дастурчиси Рубен Сантамарта янги маърузаси билан иштирок этади. Мазкур нутқнинг ўзига хослиги шундаки, унда бугунги кунда долзарб бўлиб бораётган йўловчи самолётлари ва интернет орқали ҳужум уюштириш йўлларининг олдини олиш ҳақида сўз юритилади. Тадиқотчи бу борада кўп йиллик ирландияли хизматчиларни олиб борган.

Автомобиль ойналари учун наноқоплама

"Grass" компанияси мутахассислари автомобиль ойналари учун "NanoForce" деб номланган махсус қоплама яратишди.

У автомобиль ойнасига суртилганда, микроёриқлар беркилиб, молекуляр даражадаги жипслик билан қўринмас катлам ҳосил бўлади. Мазкур мода ташқи таъсирларни ўзига олмайди. Шу боис автомобиль ойнаси тоза сақланади. Қолаверса, "NanoForce" юритилганда, ойнага сув ҳам умуман юкмайди. Демак, ёмғирда ойна тозалагичлардан фойдаланишга асло ҳожаат йўқ. Ушбу ихтиро синондан ўтказилди, мутахассис ҳамда автохаваскорларнинг ихобий баҳосига сазовор бўлди.

Пингвинлар баҳайбат бўлган...ми?

Антарктида ҳудудидаги Сеймур оролидан улкан пингвин суюқлари топилди.

Бу ҳақда "Comptes Rendus Palevol" журналида мақола чоп этилди. Унда ёзилишича, бундан бир неча минг йиллар муқаддам Антарктидада баҳайбат пингвинлар яшаган. Уларнинг бўйи икки метрдан зиёд бўлиб, оғирлиги 115 килограммгача етган. Бугунги кундаги пингвинларнинг оғирлиги 46 килограмм, бўйи эса кўпи билан 1,36 метрни ташкил этади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Хоразм вилояти ҳўжалик судининг судьяси Ўқтам Қаримович ОТАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиги Махматмурот Тоқиевич НУРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидagi "Sport" телерадиоканали жамоаси телерадиоканал шарҳловчиси Давлат ТУРДАШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУҲЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.
Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.
Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
• ариза (намуна бўйича);
• инвестиция таклифи (намуна бўйича);
• инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.
Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-кават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 5 сентябрь кун соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
I. Бувайда тумани СИБ томонидан ЖИБ Наманган вилояти судининг 2013 йил 20 сентябрдаги 2-93-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
1. Бувайда тумани, «Янгиқўрғон» ҚФЙ, «Беглар» МФЙ, Камар қишлоғида жойлашган, «Бувайда Истиқбол Сервис» ХКга тегишли, умумий қурилиш ости майдони 1117,47 кв.м., фойдаланиш майдони 237,13 кв.м. бўлган, 0001-0010 литерлардаги автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 234 580 000 сўм.
2. Бувайда тумани, «Оққўрғон» ҚФЙ, Найман қишлоғида жойлашган, «Ekspress Medikal Plus» ХКга тегишли, умумий қурилиш ости майдони 14 133,21 кв.м., фойдаланиш майдони 5 376,54 кв.м. бўлган, 0001-0033 литерлардаги чорвачилик мажмуаси мазмурий бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 1 666 600 000 сўм.
3. Бувайда тумани, «Оққўрғон» ҚФЙ, Найман қишлоғида жойлашган, «Бувайда Истиқбол Сервис» ХКга тегишли, умумий қурилиш ости майдони 2 316,09 кв.м., фойдаланиш майдони 204,88 кв.м. бўлган, 0001-0007 литерлардаги автомобилларга газ ёқилгиси тарқатиш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчаси бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 301 000 000 сўм.
II. Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Данғара тумани судининг 2012 йил 26 сентябрдаги 1-244/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Боғи-Бўстон кўчаси, 58-уйда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 209,52 кв.м., фойдаланиш майдони 91,78 кв.м. бўлган, 0001-0009 литерлардаги ҳовли-жой.
Бошланғич баҳоси — 96 514 000 сўм.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 3 сентябрь кун соат 17.00 да тўхтатилади.
2014 йил 26 август кун соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:
I. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
1. Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1 434,27 кв.м., фойдаланиш майдони 448,2 кв.м. бўлган чойхона ва савдо дўкони («Кўсарой» тўйхонаси).
Бошланғич баҳоси — 1 036 054 170 сўм.
2. Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш

«KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
Аукцион савдосига «Sovplastlital» ОАЖ қузатув қарашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш кенгаши ва «Sovplastlital» ОАЖнинг 2014 йил 31 июль ДМ 01-489-сонли буюртмаомасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-квартал, Катта Қазни кўчаси, 35-«А» ва 35-«Б» уйларида жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлар тақдоран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 5 371 371 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 22 август кун соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қулири соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 20 август кун соат 18.00.
Қўқоридagi кўчмас мулклар 2014 йил 22 август кун соатилмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2014 йил 29 август, 5, 12, 19, 26 сентябрь, 3, 10, 17 ва 24 октябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Тақдорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 29 августга савдо учун — 27 август, 5 сентябрдаги савдо учун — 3 сентябрь, 12 сентябрдаги савдо учун — 10 сентябрь, 19 сентябрдаги савдо учун — 17 сентябрь, 26 сентябрдаги савдо учун — 24 сентябрь, 3 октябрдаги савдо учун — 30 сентябрь, 10 октябрдаги савдо учун — 8 октябрь, 17 октябрдаги савдо учун — 15 октябрь ва 24 октябрдаги савдо учун — 22 октябрь кунлари соат 18.00.
Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.
Аукцион савдоси голибига 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.
Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банкнинг «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-80-26. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

